Mustaqillik huquq demakdir

# HUQUQ

YURIDIK GAZETA

# 24 (287)

| Iyun | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| D. | | 2 | 9 | 16 | 23 30 |
| S. | | 3 | 10 | 17 | 24 |
| Ch. | | 4 | 11 | 18 | 25 |
| P. | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| J. | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Sh. | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Y. | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |

2003

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

WWW. HUQUQ. UZ. E-mail:Info@huquq.uz

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

**Ш.Ш.Узаковни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори лавозимига тайинлаш ҳақида**

Шухрат Шарапович Узаков — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.Каримов**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 16 июнь

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори Б.А.Деҳқоновни лавозимидан озод этиш ҳақида**

Баҳодир Акбаралиевич Деҳқонов — бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори лавозимидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.Каримов**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 16 июнь

## ШУХРАТ УЗАКОВ



Шуҳрат Узаков 1961 йилда туғилган. Миллати ўзбек, маълумоти олий. 1984 йилда Самарқанд Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган.

Прокуратура органларида Самарқанд вилояти прокуратурасининг тергов бошқармаси прокурори, катта прокурори, Каттақўрғон шаҳар прокурорининг ўринбосари, вилоят прокуратурасининг тергов бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, вилоят прокурорининг миллатлараро ва халқаро ҳуқуқий муносабатларда қонунлар ижроси устидан назорат бўйича ёрдамчиси, вилояти прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси — ташқи иқтисодий фаолиятда коррупция, талонтарож ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш гуруҳи бошлиғи, Самарқанд гарнизони ҳарбий прокурори, Шарқий ҳарбий округ ҳарбий прокурори, Республика Ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатган.

Ш.Узаков Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

## ТАЙИНЛОВ



**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2003 йил 17 июндаги буйруғи билан Деҳқонов Баҳодир Акбаралиевич Андижон вилоят прокурори лавозимига тайинланди.**

Баҳодир Деҳқонов 1963 йилда туғилган. Миллати ўзбек, маълумоти олий. 1985 йилда Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган.

Б.Деҳқонов 1985 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори, Нукус шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўйича катта ёрдамчиси, Андижон вилоят прокуратураси тергов бўлими прокурори, Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг тергов гуруҳи бошлиғи, Андижон вилоят прокурорининг ташкилий-назорат ва таҳлилот бўйича катта ёрдамчиси, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси прокурори, бошқарма бошлиғининг ўринбосари, Андижон вилояти Избоскан тумани прокурори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг масъул ходими, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори лавозимларида ишлаган.

## ТАЙИНЛОВ



**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2003 йил 17 июндаги буйруғи билан Шамсиев Умматали Ҳакимович Фарғона вилоят прокурори лавозимига тайинланди.**

Умматали Шамсиев 1952 йилда туғилган. Миллати ўзбек, маълумоти олий. 1977 йилда Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган.

Умматали Шамсиев меҳнат фаолиятини 1968 йилда Наманган вилояти Норин туман судида котиб лавозимидан бошлаган. 1977 йилдан 2003 йилгача Наманган вилояти Учқўрғон туман прокуратурасининг терговчиси, прокурор ўринбосари, Наманган вилоят прокурорининг кадрлар бўйича катта ёрдамчиси, Учқўрғон туман прокурори, Наманган шаҳар прокурори, Наманган вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, Андижон вилоят прокурори лавозимларида фаолият кўрсатган.

У.Шамсиев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан «II даражали Шон-шараф» ордени билан мукофотланган.

**RESPUBLIKA BOSH PROKURATURASIDA**



# МУҲИМ ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

2003 йил 16 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси билан Бош прокуратура ўртасида «Ўзбекистон прокуратураси органлари учун компьютер тармоғи» номли лойиҳавий ҳужжатни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ҳужжатни Республика Бош прокурори Рашид Қодиров ва БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Сумру Нойян хоним имзолашди **(юқоридаги сурат).**

Маросимда Вазирлар Маҳкамаси ва Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари, БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармасининг минтақавий вакиллиги раҳбари Антонелла Деледда хоним, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси масъул ходимлари иштирок этдилар.

Бош прокуратура 2002 йилдан буён БМТнинг 1988 йилдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши кураш тўғрисида»ги конвенциясининг 7-моддаси доирасида Ўзбекистон Республикасининг марказий идораси ҳисобланиб, бу борада халқаро ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш ишларини мувофиқлаштириш бўйича ҳуқуқий ҳамкорлик ривожланиб келмоқда. Бунга икки давлат ҳукуматлари ўртасида 2001 йил 14 августда имзоланган битим мисол бўла олади.

Мазкур битимга 2003 йил 31 январда киритилган тузатишларда гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан келиб тушган даромадлар ҳисобидан молиялаштириладиган давлатлараро жиноий уюшмаларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган махсус тезкор бўлимни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистонга қўшимча ёрдам бериш назарда тутилган.

26 июнни дунё аҳли Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни сифатида нишонлайди.

Мазкур лойиҳавий ҳужжатнинг имзоланиши гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилувчи давлатлараро уюшган жиноятчиликка қарши курашда прокуратура органлари фаолиятининг самарасини янада ошириш, Ўзбекистон Ҳукуматининг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши жиноятчиликка қарши курашда самара беради. Бундан ташқари, жамият манфаатлари йўлида прокуратура органлари ходимларига тезкор маълумотларни тўплаш ва ўз фаолиятида қўллаш учун кенг имконият яратилади.

**(Ўз мухбиримиз).**
**А.ТЎРАЕВ олган сурат**

## Чоршанбадан Чоршанбагача

**11 июнь**

**Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг Навоий вилоятидаги ижроси муҳокама этилди.**

**Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эндо-кринология институти томонидан Фарғона шаҳрида «Йод етишмовчилиги ва унинг олдини олиш муаммолари» мавзусига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.**

**12 июнь**

**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида «Суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари» мавзуида семинар бўлиб ўтди.**

**13 июнь**

**«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун матбуотда эълон қилинди.**

**17 июнь**

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова билан учрашув бўлди.**

**Вазирлар Маҳкамасининг «2003/2004 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги Қарори матбуотда эълон қилинди.**

**17-18 июнь**

**Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Эрон Ислом Республикасида бўлди.**

## ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ БОРМИ?

**... Китоб тайёрланаётганда биз унинг номини «Ўзбекистон Республикасининг Жазо кодекси» ёки ҳеч бўлмаганда «Жиноят ва жазо кодекси» деб аташни таклиф этдик, аммо...**

4-бет



## 777 — ПРОБА

**Шефнинг бу гапи ҳаммага ёқиб тушди. Бироздан сўнг иккала машина ҳам жўнаб кетди.**

6-бет

## БИЗНИНГ МУКАМБАР ОПА



**... фильм қаҳрамони хоҳ рус, хоҳ инглиз, хоҳ япон бўлсин, фарқи йўқ, тоза ўзбекча гапираётганини кўриб, лол қоласиз.**

8-бет

# Мактублар, шикоятлар, жавоблар



**РАҚАМ**

**Чоршанбадан чоршанбагача таҳририят муштарийлардан 33 та мактуб олди.**

## КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАНМОҚДА

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Каттақўрғон туман «Пахтакор» ширкат хўжалигининг Абдал қишлоғида яшовчи Фозил Мамановнинг аризаси бўйича қуйидагиларни маълум қилади.

Самарқанд вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасидан олинган маълумотга кўра, Ф.Маманов уруш даврида фронт ортида меҳнат қилганлиги учун 2003 йилнинг апрелигача коммунал тўловлардан 30 фоиз енгилликка эга бўлган.

2003 йилнинг 1 апрелидан Ўзбекистон Президентининг 2003 йил 27 мартдаги фармонига асосан Ф.Мамановга уруш даврида фронт ортида меҳнат қилганлиги учун:

— шифокор рецептига асосан бепул дори-дармон олиш;
— даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод этилиш;
— икки йилда бир марта сиҳатгоҳларга бепул йўлланма олиш;
— энг кам иш ҳақининг 4 баравари миқдорида даромад солиғи тўлашдан озод этилиш;
— пенсиясига энг кам иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида устама тўлаш;
— коммунал тўловлардан 30 фоиз енгиллик сингари имтиёзлар ўрнига пенсиясига энг кам иш ҳақининг 18 фоизи миқдорида қўшимча пул (компенсация) тўлаб келинмоқда.

Ушбу хат бўйича Самарқанд вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ходимлари Ф.Маманов билан учрашганида, у шикоят хатидан умуман хабари йўқлиги тўғрисида маълум қилган.

**М.СОДИҚОВА,**
**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари**

## «МЕН ЖИННИ ЭМАСМАН»

*(«Ниqиq», 2003 йил 9 апрель, 14-сон)*

Самарқанд вилоят прокуратураси мақолани ўрганиб чиқди. Аниқланишича, Каттақўрғон тумани Мангитон қишлоғида яшовчи Эргашев Шерзод 2002 йил апрель ойи бошларида таниши, туман ногиронлар жамияти раиси Мустафоқулов Бахтиёрни «Савдогар» акционерлик тижорат банкининг Пайшанба бўлимида кўриб, ногиронлар учун банкдан 10 млн. сўм кредит олиш мақсадида юрганлиги ва иши ҳал бўлмаётганини эшитади. Сўнг танишлари орқали кредит тўғрилаб беришни ваъда қилиб, ундан 2002 йил апрель, май ва июнь ойлари давомида жами 1.850.000 сўм пулни фирибгарлик билан олиб ўзлаштирган.

Жиноят иши 2003 йил 19 февралда жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон шаҳар суди судьяси Р.Давронов раислигида кўрилиб, судланувчи Ш.Эргашев ва ҳимоячиси Муқумов жабрланувчи Б.Мустафоқулов 1990 йилдан руҳий касаллар ҳисобида туришини кўрсатиб, унинг судда жавоб бериш ёки бера олмаслигини аниқлаш учун руҳий комиссион экспертиза тайинлашни сўраб талабнома киритганлиги сабабли, жабрланувчи Б.Мустафоқуловга нисбатан стационар тартибда руҳий комиссион экспертиза тайинлаш ҳақида ажрим чиқарган.

Суд ажрими вилоят суди апелляция судлов ҳайъатининг ажрими билан бекор қилиниб, ишни кўришни давом эттириш учун шу суд ҳайъатига қайтарилган.

Жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон шаҳар судининг 2003 йил 7 апрелдаги ҳукми билан Ш.Эргашев юқорида кўрсатилган қилмиши учун ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми «а» банди билан айбли деб топилиб, 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазони умумий тартибли колонияда ўташи белгиланган ва унга 2003 йил 3 декабрдаги амнистия тўғрисидаги фармоннинг 6-моддаси «а» банди қўлланиб, тайинланган жазо тўртдан бир қисмга қисқартирилган. Эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, Ш.Эргашев суд залида қамоққа олинган.

Шунингдек, ҳукмда Ш.Эргашевдан жабрланувчи Б.Мустафоқулов фойдасига 1.850.000 сўм ундирилиши кўрсатилган.

Жиноят иши 2003 йил 13 майда вилоят судининг апелляция судлов ҳайъатида кўрилиб, суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

**Х. ИЛЬИЧ,**
**Самарқанд вилоят прокурори ўринбосари**

## ҲУҚУҚИ ТУШУНТИРИЛДИ

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Избоскан туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи 2-гуруҳ ногирони А.Мажидовнинг таҳририятга ёзган аризаси юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Ногиронларни экспертизадан ўтказиш ва соғломлаштириш масалалари бўйича республика инспекциясининг топшириғига биноан Андижон вилоят марказий ТМЭК мутахассислари 2003 йил 12 май куни А.Мажидовни уй шароитида кўрикдан ўтказишди. Избоскан туманлараро ТМЭК томонидан 2-гуруҳ ногиронлиги умумий касаллик сабаби билан тўғри белгиланганлиги тасдиқланди. Шикоятчига объектив ҳолат ва тиббий ҳужжатларга биноан бугунги кунда 1-гуруҳ ногиронлиги белгиланишига асос йўқлиги тушунтирилди.

Шунингдек, А.Мажидовнинг пенсияси камлиги юзасидан Избоскан туман ижтимоий таъминот бўлими билан боғланилганда, унинг иш стажи йигирма йил эканлиги, ўзи тақдим этган ҳужжатлар асосида пенсия тўғри берилаётганлиги маълум бўлди. Агар А.Мажидов қўшимча иш стажи тўғрисидаги ҳужжатларни ижтимоий таъминот бўлимига топширса, пенсияси қайта кўриб чиқилиши мумкин.

**А.АКБАРОВ,**
**вазир ўринбосари**

**Туйғу**

## ОНА ТИЛАГИ

*Она ҳаяжонда, чунки ўғли ўқишни тугатиб, Ўзбекистон ИИВ академиясида таҳсил олмоқда.*

*Ўрта мактабни намунали хулқ ва аъло баҳолар билан битирган Нурбек Ортиқовда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органи ходими бўлиш истаги пайдо бўлди. Бу орзу уни Фарғона вилоятидаги генерал-майор Ғуломжон Зокиров номли милиция мактабига етаклади. Мактабни битирар экан, Нурбек билимини оширишга, касб сирларини кўпроқ ўрганишга аҳд қилди. Бу иштиёқ уни пойтахтга чорлади. Она ўғлининг орзуси йўлида астойдил бел боғлаганидан қувонди.. Қўлидан келган барча имкониятни яратиб берди. Умид, изланиш, тинмай мутолаа қилиш натижаси ёмон бўлмади. Нурбек ҳамқишлоқлари Сардор, Жасурлар қатори талабалар сафига қабул қилинди. Онанинг қувончи чексиз.*

*Бирга ўқидилар. Кўплаб дўстлар орттиришди. Бир-бирини қувалаб кун, ой, йиллар ўтди.*

*— Фарзандим — бахтим, санъатим — тахтим, — дейди Нурбекнинг онаси Ҳавасхон опа.*

*Ҳавасхон Бегматова Олтинкўл туман маданият саройида ишлайди. Санъаткор. 27 йилдан бери шу соҳада. Тошкент давлат маданият институтининг режиссёрлик бўлимида ўқиган. Кўп ёшларга рақс сирларини ўргатмоқда. Нурбек унинг ёлғиз фарзанди. Жигарбандининг яқинда туғилган куни.*

*Онанинг тилаклари шундай:*

*— Фарзандларимиз Ватанга сидқидилдан хизмат қиладиган, элга нафи тегадиган, халқнинг қувончи-ю ташвиши билан яшайдиган бўлсин. Мамлакатимиз шуҳратига шуҳрат қўшадиган инсонлар бўлиб етишсин.*

**Ғуломжон ВОСИЛОВ,**
**Олтинкўл тумани**

## ҚОНУН БУЗИЛГАН

***Жабрланувчи Р.Деҳқоновнинг Х.Каримкуловга нисбатан жиноят иши юзасидан олиб борилган тергов ҳаракатлари ва суд ҳукмидан норози бўлиб, таҳририятга ёзган аризаси Андижон вилоят прокуратурасида жиноят иши билан бирга ўрганиб чиқилганида қуйидагилар аниқланди.***

***Жиноят ишлари бўйича Қўрғонтепа туман судининг 2002 йил 15 октябрдаги ҳукмига кўра, Каримкулов Хўжамберди Норматович ЖКнинг 206-моддаси 2-қисми «в» банди, 235-моддаси 2-қисми, 104-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 59-моддасига асосан жазоларни қисман қўшиб, 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Ва 2001 йил 22 августдаги амнистия тўғрисидаги фармоннинг 2-моддаси қўлланиб, тайин этилган жазони ўташдан озод қилинган.***

***Дастлабки терговда ЖПК нормалари бузилганлиги, жиноят ишида қарама-қаршиликлар мавжудлиги, жабрланувчи Р.Деҳқоновнинг важлари тўлиқ текширилмаганлиги ва суд ҳам бу камчиликларни бартараф этмаганлиги сабабли суд ҳукмини бекор қилиш ва жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш ҳақида вилоят прокуратураси томонидан жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди судлов ҳайъатига кассация тартибида протест келтирилди.***

**К.МАМАТОВ,**
**Андижон вилоят прокурорининг ўринбосари**

## ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯГА БАҒИШЛАБ

**Андижон вилояти Марҳамат шаҳрида туман ва шаҳар ҳокимлиги, суди, ИИБ, «Камолот» ижтимоий ҳаракати, халқ таълими бўлими ходимларининг қатор мактаблар ўқувчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Мулоқотларда ёшларга ҳуқуқий таълим-тарбия бериш масаласи муҳокама қилинди. Ушбу тадбирни ташкил қилишда туман ХТБнинг тарих ва ҳуқуқ фанлари услубчи-назоратчиси Турсунбой Убайдуллаев жонбозлик кўрсатди.**

**Учрашувда туман ҳокимининг ўринбосари А.Холдоров, жиноят ишлари бўйича туман суд судьяси Р.Раҳимов, туман прокурори Б.Йўлчиев, туман ИИБ бошлиғи Қ.Мадумаровлар сўзга чиқиб, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хусусида гапиришди. Мулоқот жонли, савол-жавобларга бой тарзда ўтди.**

**А.ЭРАЛИЕВ,**
**Марҳамат шаҳри**

*Афоризм*

*Менинг ишим ҳақиқатни айтишдир, унга ишонишга мажбур қилиш эмас.*

**Ж.Ж.РУССО,**
**француз файласуфи**

## «КАЙФИЯТ ҚАНДАЙ, МУАЛЛИМ?»

*(«Ниqиq», 2003 йил 23 апрель, 16-сон)*

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси мақолада кўрсатиб ўтилган камчиликларни батафсил ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Мамлакат бўйича касаба уюшма органлари томонидан кўрилган чора-тадбирлар туфайли фақат 2003 йил апрель ойи мобайнида 1.152.563.600 сўм иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик ундириб берилди. Жумладан:

— иш берувчилар олдига қўйилган расмий талабномалар 22 та ва ундирилган иш ҳақи миқдори 290.202.400 сўм;
— маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари олдига қўйилган расмий талабномалар 41 та ва ундирилган иш ҳақи миқдори 212.420.400 сўм;
— прокуратура органларига 15 марта мурожаат қилиниб, ундирилган иш ҳақи миқдори 649.940.700 сўмни ташкил этди.

Касаба уюшма мажлислари, меҳнат жамоаларининг умумий йиғилишларида мазкур муаммо мунтазам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган. Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар режаси тайёрланган.

Бундан ташқари ушбу масалани ижобий ҳал этиш мақсадида Марказий банк бошқаруви раиси, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси раиси ва барча вилоят ҳокимларига мунтазам равишда мурожаат қилиб келинмоқда.

Шунга қарамай қилинган ишлар кутилган натижани бермаётганлиги сабабли марказий қўмита жойлардаги касаба уюшма ташкилотларининг иш ҳақи, нафақаларни мунтазам тўлаб бориш юзасидан назоратни кучайтириш бўйича аниқ режалар тузиб, чора-тадбирлар белгилаб олди.

**З.ҚОДИРОВ,**
**Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси раиси**

«HUQUQ» почтаси
Ғуломов кўчаси, 66-уй, ахё

# ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ БОРМИ?

## ЁКИ ҚОНУНЛАРИМИЗНИНГ НОМЛАНИШИДАГИ АЙРИМ АНГЛАШИЛМОВЧИЛИКЛАР ҲАҚИДА

MUNOSABAT

**Тошкент Давлат юридик институтида ўтказилган халқаро конференциялардан бирида, танаффус чоғида чет эллик меҳмонларни институт бинолари, кафедралар, ўқув хоналари билан таништирардик. Шунда олмониялик олимлардан бири менга мурожаат қилиб, «жаноб, сизларда жиноят ҳуқуқи бор экан-да», деб қолди. Мен унга «ҳазиллашаяпсизми, домла, бунақа ҳуқуқ шоҳга ҳам берилмайди, гадога ҳам, бу ахир тасаввурга сиғмайдиган гап-ку», десам, олим таржимон қизга ишора қилиб, «мана ҳозиргина таржимон қизимиз бир кафедра эшигидаги ёзувни таржима қилиб берди.**

**БУ ҚИЗНИ** билимсизликда айблаб бўлмайди, ахир у номзодлик ишини Олмонияда ёқлаб келган», деди. Биз орқага қайтиб, кафедра эшигига разм солдик. Дарҳақиқат, эшикда «Жиноят ҳуқуқи кафедраси» деб ёзиб қўйилган эди. Қарама-қарши эшикда эса «Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси» деган ёзув турарди. Мен қизга бу кафедра рус тилида «Кафедра уголовного права», қўшни кафедра эса «Кафедра уголовно-процессуального права» деб аталишини, улар ўзбек тилига бироз нотўғри таржима қилинганлигини ҳамда у бу атамаларни немис тилига «Леерштул фюр Штрафрехт» («Lehrstuhl fur Strafrecht») ва «Леерштул фюр Штрафпроцессорднунг» («Lehrstuhl fur Strafprozessordnung») деб таржима қилиши лозимлигини тушунтирмоқчи бўлдим, аммо қизни барибир нотўғри таржима қилганликда айблаб бўлмаслигига кўзим етди. Ҳамма бало ўзимизда экан. Қиз эшикдаги ёзувни немис тилига «Леерштул фюр Штрафтатсрехт» («Lehrstuhl fur Straftatsrecht») деб, яъни рус тилига ўгириб айтадиган бўлсак «Кафедра преступного права» деб жуда тўғри таржима қилган. Зеро ўзбек тилидаги «Жиноят ҳуқуқи кафедраси» айнан шу маънони беради. «Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси»ни эса қиз «Леерштул фюр Штрафтатспроцессорднунг» деб, яъни рус тилига ўгириб айтадиган бўлсак, «Кафедра преступно-процессуального права» деб тўғри тажрима қилган. Зеро ўзбек тилидаги «Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси» айнан шу маънони беради. Нега шу пайтгача бунга эътибор бермаган эканман, дея ўз-ўзимни ёзғиришдан бошқа иложим қолмади. Эртасига шу кафедра мудирига учрашдим. «Домла, кафедрангиз номи бироз ғалати таржима қилинган экан-а», десам, домла ҳам тўлиб юрган экан, шекилли, фиғони фалакка ўрлади. «Кафедранинг номини қўяверинг, бу эшикдаги битта ёзув, биров кўрса, биров кўрмайди, аммо биз мана яқинда «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси»ни босмадан чиқардик. Китоб тайёрланаётганда биз унинг номини «Ўзбекистон Республикасининг Жазо кодекси» ёки ҳеч бўлмаганда «Жиноят ва жазо кодекси» деб аташни таклиф этдик, аммо кўпгина ҳуқуқшунос олимлар бунга тиш-тирноғи билан қарши чиқишди», деди у. «Домла, эсингизда бўлса, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилаётганда ҳам баъзи олимлар «Рус тили давлат тили бўлиб қолиши керак», деган таклиф билан газеталарда чиқишлар қилишган эди. Аммо уларнинг хомхаёллари амалга ошмади, зеро ҳар бир мустақил давлат ўз давлат тилига эга бўлиши керак. Бироз қаттиқроқ туришларингиз керак экан-да», дедим мен. Уйга келиб китоб тита бошладим, «уголовный» сўзининг аниқ таржимасини ахтардим. Рус тилининг этимологик луғатида «уголовный» сўзига шундай изоҳ берилган экан: «Уголовный» — известно в русских и белорусских языках. Образовано с помощью префикса «у» — со значением усиления от «головный» — «убивающий» зафиксированного в древне-русских памятниках и являющегося призводным с суффиксом-ьн- (современ. -н-) от «голова» — убитый» (ср. др. - русск. «головьникъ» - «убийца»). Москвадаги Рус тили институти чоп эттирган тўрт жилдли «Рус тили луғати»да «уголовный» сўзига «ижтимоий хавфли қилмиш» деб изоҳ берилган.

Таққосланг: «уголовный» — представляющий собой общественно опасное деяние. Ҳа, мана гап қаерда экан: «Уголовный» сўзи ижтимоий хавфли қилмишни англатса, «уголовник» шундай хавфли қилмишни содир этиб, боши танидан жудо этилишига, ўлдирилишига, яъни қаттиқ жазога тортилишга лойиқ шахсни англатади. «Уголовный закон» эса шундай шахсларни жазолаш ёки уларга жазо тайинлаш тўғрисидаги қонунни билдиради. Демак, «уголовное право» сўзини бемалол «Жазо ҳуқуқи»деб таржима қилишимиз мумкин, зеро давлат ўзига тобе шахслар ижтимоий хавфли қилмиш содир этганида, уларга жазо тайинлаш ҳуқуқига эгадир. Шундан сўнг мен тили ўзбек тилига қардош бўлган бир қанча қўшни давлатларнинг «Уголовный кодекс»и ўз она тилларида қандай аталишини сўраб-суриштирдим. Турк тилида у «Жазо қонуни» деб аталаркан, озарбайжонлар бу кодексни «Жазо кодекси»деб юритишади. Қирғиз тилига эса «Уголовный кодекс» «Жазуқ кодекси» деб таржима қилинган. Ҳатто ўзбек тилига умуман яқин келмайдиган немис тилида ҳам бу кодекс «Штрафгезетцбух», (Strafgesetzbuch) яъни «Жазо қонунлари тўплами» деб юритилади. Хўш, нега энди у ўзбек тилида «Жиноят кодекси» бўлиши керак? Тўғри, ушбу кодексда турли жиноятлар санаб ўтилган ва уларни содир этган шахсларга бериладиган жазолар белгилаб қўйилган. Бу маънода кодексимизнинг бошқа давлатлар кодексларидан устунлиги бўлса бор-ку, аммо кам жойи йўқ. Фақат шу номи бироз эриш туюлади. Ушбу гапларни айтганимда баъзи домлалар «биз барибир «Жиноят кодекси» деганда жиноятлар ва улар учун бериладиган жазоларни тушунамиз. Китобнинг номини ўзгартиришнинг ҳожати борми-кин?» деган фикрларни ҳам баён этдилар. Йўқ, домлажонлар, уни ўзгартириш шарт. Биз ахир мустақилликка эришиб, ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлни танлаб, эски тузумдан қолган жуда кўп нарсаларни ўзгартирдик. Шундоқ экан, «жазолаш»ни тушуниш учун нега энди «жиноят» дейишимиз керак? Гира-шира эсимда, мактабда ўқиб юрганимизда Маяковский деган рус шоирининг «Ленинни англайимиз партия десак, Ленин деганимиз партия демак» деган мисралари бор бир шеърини ёдлатган эдилар. Тўғри, ўша пайтларда замон шунақа эди. Ҳозир эса, минг қатла шукр, мустақилмиз, ҳамма нарсани ўз номи билан атасак бўлмайдими?

Шундай қилиб, «Жиноят кодекси» — «Жазо кодекси» деб, «Жиноят ҳуқуқи кафедраси»нинг номи эса «Жазо ҳуқуқи кафедраси», деб ўзгартирилиши керак. «Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси»нинг номи эса «Жазо-процессуал ҳуқуқи кафедраси» деб ўзгартирилиши лозим, зеро жиноят содир этилгач, жабрланувчи шикоят-ариза билан давлат органига мурожаат этади. Шундан сўнг давлат ўзининг жазолаш ҳуқуқидан фойдаланади. Турли суриштирув, тергов ҳаракатлари ўтказилади ва ушбу процесс айбдорга тегишли жазо чоралари кўрилиши билан ниҳоясига етади. Бу ерда ҳамма гап жазолаш процесси тўғрисида кетаётганлиги шундоқ кўриниб турган бир пайтда биз ушбу процессни нега «Жиноят процесси»деб аташимиз керак.

Бундан ташқари, яна бир кодексимиз бор. У «Жиноят-ижроия кодекси» деб аталади. Унинг номи ҳам ўзгартирилиб, «Жазо-ижроия кодекси» деб аталиши лозим. Зеро, рус тилида «Уголовно-исполнительный кодекс» деб аталган бу китобнинг номи ҳам «уголовный» сўзининг нотўғри таржима қилинганлиги касофатидан бир қайнови ичида бўлиб қолган. Таққосланг: Жиноят ижроия кодекси — Свод законов об исполнении преступления.

Ҳуқуқшунос олимларнинг мақолаларида учраб турадиган бир қанча атамалар ҳам менга бироз эриш туюлади. Масалан, «жиноятчилар одил суд томонидан жиноий жазога, жавобгарликка тортилдилар», деб ёзишади. Бу энди рус тилидаги «преступники понесли уголовную наказание, ответственность», деган гапнинг калька таржимасидир. Агар уларга берилган жазо жиноий бўлса, уни бермаслик керак, акс ҳолда шундай жазо тайинлаган суднинг ўзини жавобгарликка тортишга тўғри келади, зеро, ҳар қандай жиноий хатти-ҳаракат учун жазо муқаррар. Бу гапни «жиноятчилар қонуний жазога, жавобгарликка тортилдилар», деб ёзишса-ку, олам гулистон. Шундай қилиб, «уголовная ответственность» «жиноий жавобгарлик» эмас, балки «озодликдан маҳрум этиш жазоси», чунки «уголовный» бир томондан «уголовить», яъни «калласини олиш»га яқинроқ маънони ҳам беради. Жазолар либераллаштирилаётган ҳозирги кунда «калласини олиш» жазоси тайинланмаса-да, аммо озодликдан маҳрум этиш жазоси кўпгина жиноий хатти-ҳаракатларни содир этганлик учун барибир тайинланади. Баъзан мақолаларда «жиноий таъқиб» деган атама учраб қолади. Бу атама русчадаги «уголовное преследование» атамасининг нотўғри таржимасидир, зеро, агар ушбу таъқиб жиноий бўлса, уни дарҳол тўхтатиш керак. Эҳтимол бу атамани «жазовий таъқиб» деб, яъни «жиноят содир этган шахсга жазо тайинлаш мақсадида амалга ошириладиган таъқиб» деб аташ маъқулроқ бўлар, бу ҳам ҳуқуқшуносларимизга ҳавола. Кўпгина ҳолларда «уголовно-правовая» бирикмаси билан бошланадиган атамалар ҳам сўзма-сўз нотўғри таржима қилинади. Масалан, «уголовно-правовая оценка деяния» — «қилмишни жиноят-ҳуқуқий баҳолаш», деб «уголовно-правовая охрана земли» — «ерларни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш» деб таржима қилинади. Булар бутунлай нотўғри, чунки ўзбек тилига қилинган таржималарни қайтадан рус тилига ўгирадиган бўлсак, бутунлай бемаъни нарсалар чиқиб қолади. Эътибор беринг: «қилмишни жиноят-ҳуқуқий баҳолаш», «преступно-правовая оценка деяния» ёки «ерларни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш» — «преступно-правовая охрана земли».

Шунинг учун биринчи атамани «жиноий қилмишни ҳуқуқий баҳолаш», яъни унга ҳуқуқий баҳо бериш деб ва иккинчисини «ерларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш» деб таржима қилиш маъқулроқдир, чунки бундай бирикмалардаги «уголовно» сўзи фақат сифат вазифасини бажаради. Афсуски, «уголовно-правовая оценка деяния» атамасини «қилмишни жиноий-ҳуқуқий баҳолаш» деб ва «уголовно-правовая охрана земли» атамасини «ерларни жиноий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш» деб ҳам таржима қилиб бўлмайди, чунки биринчисидаги қилмишни баҳолаш ҳамда иккинчисидаги ерларни муҳофаза қилиш жиноий бўлса, ҳуқуқий бўлмайди, ҳуқуқий бўлса жиноий бўлмайди.

Қисқаси, айтаверсак гап жуда кўп. Баъзи бир англашилмовчиликларга, хатоликларга йўл қўйилганини эса қўрқмасдан, «менинг гапим гап», деб оёқ тираб турмасдан, тан олишимиз зарур, чунки бундай англашилмовчиликларнинг ўзига хос объектив сабаблари бор. Октябрь тўнтаришигача бизда шариат қонунлари бўйича иш кўрилган, тўнтаришдан кейин етмиш йиллар давомида мамлакатимизда барча давлат ишлари асосан рус тилида олиб борилган. Мустақилликка эришганимиздан кейин эса мана 350 тага яқин қонунлар, 2600 тага яқин қарорлар, Президентимизнинг 3000 тага яқин фармонлари чиқарилди. Турли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг 1300 га яқин умуммажбурий норматив ҳужжатлари чиқарилди. Ўн бешта кодексимиз бор. Дадил қадамлар билан жаҳон ҳамжамиятига кириб боряпмиз. Мен таклиф этаётган масала эса рус тилидаги «уголовный» сингари кўп маъноли сўзларни нотўғри таржима қилиш оқибатида ҳуқуққа оид атамаларимизга кириб қолган баъзи хатоликларни тузатишдан иборат холос.

Зеро, қонунларимиз, кодексларимиз барчага бир хилда тушунарли бўлиши лозим. Шунда бир жилдли кодексларимизга уч-тўрт жилд изоҳлар, шарҳлар ёзишга ҳожат қолмайди.

**Йўлдош ПАРДА,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таржимон**

*Давлатнинг гуллаб яшнаши унда чиқарилган қонунлар ва уларга қандай амал қилинишига боғлиқ.*

**АРАСТУ,**
**юнон файласуфи**

*Қонун матни аниқ-равшан бўлса, уни ижро этиш жараёнида изоҳлашга ва қонун матнида айтилган маънодан бошқача маънолар бериш учун сиёсий тош-тарозиларга ёки батафсил юридик мулоҳазаларга суянишга ҳожат қолмайди.*

**Жан Франко АУБЕРТ,**
**швейцариялик ҳуқуқшунос олим**

**«Ҳуқуқ»нинг 2003 йил 14 май, #19 сонида журналист Ғ.Алимовнинг «Қарс икки қўлдан» номли мақоласи чоп этилган эди.**
**Ҳайдовчилар ва йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги ходимлари ўртасида бўлиб турадиган тортишувлар қаламга олинган ушбу мақола газетхонлар ўртасида ҳам баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Муштарийларимиздан айримлари ушбу мақола баҳона муаллиф кўтарган мавзу хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Уларни сизнинг эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.**

# «ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН»

АКС-САДО / АКС-САДО / АКС-САДО / АКС-САДО / АКС-САДО / АКС-САДО / АКС-САДО / АКС-САДО / АКС-САДО / АКС-САДО /

## ҲАЙДОВЧИЛАРГА ҲАМ БОҒЛИҚ

Ярим кеча, ёмғир шаррос қуяётганди. Чирчиқ томондан Тошкентга келаётган енгил машина Қибрай тумани марказига яқин қолганда йўл ёқасида тўхтаб қолди.

Рулдаги йигит ёнидаги кексароқ кишига савол назари билан қаради.

Киши ҳайрон сўради:

— Нима бўлди, ўғлим?

— Ёқилғи тугади, дада... Энди нима қиламиз?

— Кутайлик-чи, бирон машина ўтиб қолар. Ажабмас, шаҳарга етгунчалик бензин бериб туришса...

Аксига олиб биронта машина ўтмасди. Ота-бола кутавериб, кўзларини мудроқ боса бошлади. Бир пайт узоқдан милтиллаган чироқ кўринди. Ёмғирдан жунжикиб қараб туришганди, машина шундоқ ёнгиналаридан сал ўтиб тўхтади.

— Нима бўлди? Тинчликми? — йўл-патрул хизмати машинасидан икки инспектор тушиб, уларнинг олдига келди. Сўрашишди, аҳволни билгач, улардан бири деди:

— Сиз бизнинг машинамизга чиқинг, кетдик.

Инспекторларнинг муддаосига тушунмаган ота ҳайрон. Дастлаб қоидани бузган бўлсак, жарима солса керак деб ўйлаганди. Қайда, улар ўғлини машиналарига ўтқазиб, қаёққадир олиб кетишди. Орадан ярим соатча ўтмай қайтиб келишди. Инспекторлар ўзлари билан ола келган идишлардаги бензинни «Волга»га қуйишгач, энди Тошкентга етиб олсангиз бўлади, — дейишди-да, изларига қайтишди. Ота-бола раҳмат деганча бир муддат уларнинг ортидан қараб қолишди.

— Исм-фамилиялари, қаерда ишлашларини сўраб билдингми?

Бу саволга ўғил «йўқ» деб жавоб берди.

Маълум бўлишича, инспекторлар ҳайдовчини бир қишлоқдаги хонадонга бошлаб боришибди. Кўча эшикни тақиллатиб, хонадон эгасига «меҳмонлар йўлда қолиб кетишибди. Уларга ёрдамингиз керак» дейишибди. Хонадон эгаси йўқ демай, ўз машинасидан бензин олиб чиқиб берибди.

— Сендан хизматлари эвазига пул олишмадими?

— Йўқ, қайтага эҳтиёт бўлиб кетинглар дейишди, — деди ўғли отасига. Ота уларни дуо қилди.

Йўллар... Йўлларда турли воқеа-ҳодисалар кўп учрайди. Баъзида инспекторлар ҳақида салбий фикр билдиришади. Тўғри, шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди. Ҳайдовчи ва инспектор орасида келиб чиқадиган баъзи тушунмовчиликлар фақат инспекторнинг ўзини тутишигагина эмас, балки ҳайдовчиларнинг ўзларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Яъни, бош иллат одамларнинг ўзларида, уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилолмаслигида.

Ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ўзининг айбсизлигини исботлай билиш учун эса ҳуқуқий саводхонлик керак.

Инсоннинг ахлоқий-маънавий бузилиши ташқи омиллар таъсирида юзага келади ва вақт ўтиши билан одатдаги иллатга айланади. Бунинг олдини олишнинг бирдан бир йўли одамлар онгини, ҳуқуқий саводхонлигини оширишдир.

«Қарс икки қўлдан»... Ҳайдовчи ва инспектор орасидаги зиддият фақат бир томоннинг айби билан вужудга келмайди. Бир сўз билан айтганда, инспекторлар юқори савияда маданиятли бўлиши, ҳайдовчилар эса ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиши ва улар учун курашишни ўрганиши керак.

**Қумрихон КАРИМОВА,**
**«Автоҳамроҳ» журнали бош муҳаррири**

## НОҲАҚ ҲАЙДОВЧИ НИМА ҚИЛАДИ?..

Тўғриси, матбуотимизда кампаниябозлик ҳамон мавжуддай эди. Бирон тажрибали журналист каттароқ муаммони кўтариб чиқса, бошқалари давом эттирарди. Ушбу мақола аввалгиларига ўхшамаслиги билан эътиборимни тортди. ЙҲХХ ходими билан ҳайдовчи, сотувчи билан харидор, солиқчи билан тадбиркор ўртасидаги «жанг»лар, ҳаёт давом этар экан, ҳеч қачон тўхтамайди. Маълум маънода қонунни бузса-да, икки томон ҳам ўзини ҳақ деб ўйлайди. Баъзи учар ҳайдовчилар пиёдаларни одам ўрнида кўрмайди. Тезликни хоҳлаганча оширади. Айрим пайтлари пиёдани уриб юбориб, жазодан қутулиш учун қочиб кетганлиги ҳақида кўп эшитганмиз. Шунда яхшиям ЙҲХХ ходимлари бор экан деб ўйлаб қоласан киши.



ЙҲХХ ходими бўлмаса катта йўлда баъзи ҳайдовчилар «бўри»га айланади. Мен доим кўчаларимизда чиройли мундирли ЙҲХХ ходимлари туришини истайман. Ҳукуматимиз уларни автотранспортларнинг ҳаракатини назорат қилиш учун қўйган-ку.

Аммо уларнинг орасида таъмагир ва пораҳўрлари ҳам йўқ эмас. Буни соҳа раҳбарлари яхши билишади. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди-ку.

Яқинда мустақиллигимизнинг 12 йиллигини кенг нишонлаймиз. Ўтган даврда кўплаб қонунлар қабул қилинди. Қонунга риоя қилган инсон ҳаётда ҳеч қачон қоқилмайди. Ўзи ҳақ бўлган ҳайдовчи ҳамма жойда ҳақлигини исботлайди. Ноҳақ ҳайдовчигина айбини ёпиш учун пора беришга ҳаракат қилади.

Газеталарда ЙҲХХ ходимлари билан ҳайдовчиларнинг фикрлари тез-тез чоп этиб турилса, икки томон учун ҳам фойдали бўлар эди. ОАВда пора билан қўлга тушган ЙҲХХ ходимлари ва қоидани бузиб, кимнингдир ҳаётига зомин бўлган ҳайдовчилар ҳақида суд очеркларини бериб бориш керак. Бунинг бошқалар учун тарбиявий аҳамияти беқиёс бўлади деб ўйлайман.

**Жаҳонгир ШЕРМАТОВ,**
**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети магистранти**

## ХАВФСИЗЛИК КАФОЛАТИ

Яқинда «Ҳуқуқ» газетасида «Қарс икки қўлдан» сарлавҳали мақолани ўқиб қолдим. Унда ЙҲХХ ходимлари ва ҳайдовчилар ўртасидаги муносабат жуда очиқ ёритилгани мени қувонтирди.

Мен ўзим 5-6-синфларда ўқиб юрган чоғларимданоқ техникага қизиқардим. Ҳозирги вақтда 15 йиллик ҳайдовчилик стажига эгаман. Шундан келиб чиқиб, фикр билдиришга жазм этдим. Одамзот ўзи қизиқ яралган. Озгина хушомад ёки мақтов бўлса, боши осмонда. Агар танқид қилсангиз, сиздан ёмон одам йўқ.

ЙҲХХ ходими ва ҳайдовчи ўртасида тушунмовчилик бўлиб туриши табиий ҳол. Чунки ҳамма ҳам адашади. Лекин ҳар қандай ҳолатда хушмуомалалик билан тушунмовчилик бартараф этилса, оқилона йўл тутилган бўларди. Менинг ўзимни икки марта ноҳақ тўхтатишган. Қизил чироқда ўтиб, қоидани буздингиз деб нотўғри фикр билдиришган. Лекин мен юмшоқлик билан: «Командир, сиз янглишдингиз, мен хатто сариқ чироқда ҳам ўтмай, кўк чироқда ўтдим», — деб жавоб бердим. ЙҲХХ ходими мен билан тортишмоқчимисан деб дўқ урди. Лекин мен хотиржамлик билан: «Йўқ, командир, мен фақат ҳақиқатни гапирдим. Хоҳласангиз ҳужжатимни олиб қўйиб, жазолашингиз мумкин. Лекин сиз ҳам, мен ҳам ўзбекмиз. Мусулмончиликда ноҳақ жабр-зулм жазосиз қолмаган. Сиз худонинг олдида гуноҳкор бўласиз» десам, шу заҳоти ҳужжатимни қайтариб, сўзларингиз ҳаққоний ва ўзингиз самимий йигит экансиз деб узр сўради.

— Воқеа бундай бўлди. Сизни тўхтатишга ўзим ҳам иккиландим. Бурилган ҳолатингизни кўрмадим, лекин қараганимда светофор чироғи қизил экан. Балки қизилда ўтгандир деган тахмин билан тўхтатдим. Бурилаётган вақтингизда мен бошқа ҳайдовчи билан тортишиб турувдим. Унинг қўполлиги асабимни бузиб турганди. «Ҳей, ёзсанг ёзавер, хоҳласам ўнта «права» сотиб оламан. Сен ким бўлибсан мени тўхтатиб» деб турганида сизга кўзим тушди. Йўлингиз бехатар бўлсин! — инспектор шундай деб, кетишимга рухсат берди.

Қайси ҳайдовчи билан суҳбатлашсам, ЙҲХХ ходимларидан нолийди. Лекин ЙҲХХ ходимлари томонидан қанча-қанча ўғрилик, безорилик, ҳуқуқбузарликлар, светофор ишламай қолганда чорраҳадаги тиқилинч ва тўқнашувларнинг олди олинишини инкор эта олишмайди.

Дарҳақиқат, тажрибасиз, қўпол, худбин ЙҲХХ ходимлари ҳам учрайди. Лекин биз ҳайдовчилар ўзимизни қўлга олиб муомала қилсак, «Қарс икки қўлдан...» сарлавҳали мақола ёзилмаган бўларди. «Қоидани бузмасанг, тошкентлик инспектор бекордан-бекорга тўхтатиб ўтиришмайди. Тўхтатганда ҳам ҳужжат ва автомобилни кўздан кечириб, ҳаракатланиш учун рухсат беришади» — бу вилоятлардан келган ҳайдовчиларнинг фикрлари.



Мени ҳам ўз айбим билан ЙҲХХ ходимлари томонидан бир неча марта жазоланганман. Шунинг учун ҳайдовчиларни даъват қиламанки, бу мақола биз ҳайдовчиларга туртки бўлсин. Қоидага риоя қилиш ўзимиз учун ҳам, пиёдалар учун ҳам хавфсизлик кафолатидир.

**Шуҳрат ИСОҚОВ,**
**Тошкент шаҳри**

*Ҳазил*

## ШОШИЛАМАН

*Шошиламан, кутмоқда ёр, шошиламан.*
*Висолига дил интизор, шошиламан.*
*Кошки фақат яшил рангда ёниб турса,*
*Йўллардаги светофор, шошиламан.*

*Машиналар саф тортмоқда, барча ҳайрон,*
*Кечикмайин дея менинг дилим гирён.*
*ЙҲХХнинг ходими, эй амакижон,*
*Тезроқ мени қўйиб юбор, шошиламан.*

*Кўпдан бери мени кутиб турганмидинг,*
*«Юзта» отиб олганимни кўрганмидинг?*
*Ёки бугун чап томондан турганмидинг,*
*Қовоғингдан ёғмоқда қор, шошиламан.*

*«Тормоз бузуқ, номерлар чанг, тўхтаб туринг,*
*Ҳужжатларни кўрайлик-чи, олиб беринг».*
*Ходим секин дўққа ўтар, энди кўринг,*
*Йўлда ҳали қанчаси бор, шошиламан.*

*Ҳужжатларим ўз жойида, йўқдир ғубор,*
*Яп-янги у, тешиб яна этмагин хор.*
*«Жарима»нгни ундиргину, қўйиб юбор,*
*Ахир мени кутмоқда ёр, шошиламан.*

**Йўлдош ПАРДА**

JINOYAT VA JAZO



# 777 — ПРОБА

**У КИРИБ** келганда, уйда уч киши ўтирарди. Улардан бирини — Ҳамрони яхши таниган эса-да, ёнидаги икки нотаниш кимсани олдин кўрмаганлиги учун Бекзод бироз тараддудланиб қолди. Нотаниш меҳмонлар ҳам эшикдан кириб келган барваста йигит билан кўришар экан, Ҳамрога шубҳа билан қараб қўйишди.

Мезбон меҳмонлар кўзидан кўнглида қандай ҳис-туйғулар кечаётганини англаб, уларни хотиржам бўлишга ундади.

— Марат, сизларга мен айтган йигит шу бўлади.

Ҳамро шундай деб, Бекзодга қаради.

—Сенга бир зўр иш бор дегандим, мана энди ўша ишни бажариш вақти етди. Бу йигитлар Чимкентдан келишибди, биз билан ҳамкорлик қилмоқчи. Бундан буён ишни бирга қиламиз.

— Менинг ишим аввалгидекми?

Бекзоднинг саволидан режалаштирилаётган ишлар ҳар қалай унга янгилик эмаслигини англаш мумкин эди.

— Сенинг ишинг воситачилик қилиш. Товарни чегарадан ўтказиб, Маратнинг қўлига берасан. Ҳар ўтказганингга юз «кўки»дан оласан.

— Ҳақимни олдиндан оламанми?

— Йўқ, товарни чегарадан ўтказиб, улар қўлига топширганингдан кейин оласан.

— Кимдан?

— Биздан.

Кейинги жавобни чимкентлик меҳмонлар беришди. Жиноий гуруҳнинг йиғини шу тахлит ниҳоясига етди.

* * *

**ТОЖИКИСТОННИНГ** Сўғд вилоятига қарашли Мастчох тумани марказида жойлашган касалхона олдида ҳар кунгидек келди-кетди кўп. Шундайгина касалхона дарвозасининг олдида турган қора рангли «Жигули»дагилар ҳам бу ерга бирор сабаб билан келгани хатти-ҳаракатларидан сезилиб турарди. Улардан бири — қора кўзойнак таққан, соқолли киши бир нуқтага тикилганча рулда ўтирар, иккинчиси эса машина эшигини очиб олиб, тинимсиз сигарет чекарди.

Уларнинг нигоҳи касалхонадан чиқиб келаётганларга эмас, касалхонага кириб келадиган йўлга қаратилган эди. Кўп ўтмай улар кутган машина кўринди.

— Бекзод, у келаяпти,— Ҳамид шундай деб жойида қулайроқ ўтириб олди.— Машинани юргизаверайинми?

— Тўхта, олдин келсин-чи.

Уларнинг ёнидан ўтиб тўхтаган машинадан пўрим кийинган, қўлида уяли телефонини ушлаганча Ҳамро тушиб кела бошлади. Бир қўлида салафан пакет ҳам бор эди. Ҳамро қора «Жигули»нинг орқа ўриндиғига ўтирди.

— Анча кутиб қолдиларингми? — шундай деб Бекзодга пакетни узатди. — Мана буни жойига тиқиб қўй!

Бекзод пакетни олиб, ўзи ўтирган ўриндиқнинг тагига, аввалдан тайёрланган, бир неча марта синалган жойга яширди.

— Ҳар галгидек чегарадан ўтгач, Бекободда сизларни Марат кутиб олади.

Ҳамро шундай деб орқа ўриндиққа ястаниб олди. Бекзод билан Ҳамид яна нима дер экан деган маънода унга қарашди.

— Ҳар ўтказганда уч-тўрт килодан ўтказиш жонларингга тегмадими? — Ҳамро шерикларига кўз қирини ташлади. — Товар оборотини ошириш пайти келмадимикан энди?

— Мен ҳам шуни айтмоқчи эдим, — жонланди Бекзод. — Қачонгача Маратнинг берганига шукур қилиб юрамиз? Харидорни кўпайтиришимиз керак. Россия, керак бўлса ундан наридагилар билан алоқани йўлга қўйишимиз лозим.

— Шу айтганларинг амалга ошса, товарни «крупний» ўтказишга имкон туғиларди. Улушларинг ҳам ўз-ўзидан ошарди.

Шефнинг бу гапи ҳаммага ёқиб тушди. Бироздан сўнг иккала машина ҳам жўнаб кетди.

***

**КАЛЛАИ** саҳарлаб бошқармадан йўқлашгани Убайдуллони бироз шоշириб қўйди. Оператив гуруҳга ўтганидан буён анча кўникиб қолганлиги учун аввалдан тайёрлаб қўйган кийимларини кийиб, кўчага отилди. Бошқармага етиб келганида гуруҳнинг деярли барча аъзолари йиғилиб бўлган, юзларидан бу шошилинч йиғилиш сабабини билиш иштиёқи сезилиб турарди. Ҳамманинг нигоҳи тўрда ўтирган бошлиққа қаратилган. Бошлиқ ҳам кўп куттирмай муддаога ўтиб қўяқолди:

— Сизларнинг эътиборингизни бир муҳим масалага қаратмоқчиман. Ҳозиргина бизга бир маълумот келиб тушди. Тожикистондан Ўзбекистон орқали Қозоғистон ва Россияга катта миқдорда наркотик моддалар ўтказиш билан шуғулланувчи гуруҳ аниқланган. Гуруҳга Ҳамро исмли шахс бошчилик қилади. Ишига жуда пухта шахс. Ишни асосан шотирлари орқали амалга оширади. Асосий вазифангиз гуруҳни зарарсизлантириш ва аъзоларини қўлга олиш. Ушбу масала бўйича кимда савол бор?

— Гуруҳда яна кимлар маълум?

— Тожикистонлик Бекзод исмли шахс кўп тилга олинаяпти. Тахминларга кўра, у ҳам гуруҳда асосий рол ўйнайди. Лекин Ўзбекистондан ўтказишда уларга кимлардир ёрдам бераётган бўлиши керак. Афсуски, бу ҳақда маълумот етарли эмас.

— Уларнинг асосий маршрути қаерлардан ўтади?

— Тожикистоннинг Мастчох тумани билан Бекобод тумани чегарасидан ўтиши гумон қилинмоқда. Лекин бу ҳам тахмин, холос, — бошлиқ охирги саволни берган Убайдуллога афсус маъносида қараб, бир муддат йиғилганлардан савол кутди. — Бошқа саволлар бўлмаса, охирги қарорга келиб олсак. Қандай бўлмасин улар билан алоқа ўрнатиш керак.

— Қандай қилиб?

— Бу энди ўзларингизга боғлиқ, — бошлиқ гуруҳ аъзоларига бир-бир қараб қўйди. — Агар бошқа саволлар бўлмаса, ишга киришинглар.

* * *

**«САРДОБА»** постидан юз метрлар пастроқда дарахтзор билан қопланган чоғроққина жой бор. Яқин атрофда бундай овлоқ, кимсасиз жойни учратиш мушкул. Шунинг учун бўлса керак, бугун шу ерда учрашишлари лозим эди. Белгиланган вақтга яқин йўл билан дарахтзор туташган жойга қора «Жигули» келиб тўхтади. Ундан уч киши тушди.

— Ако Ҳамро, жуда овлоқ жой экан, тошкентлик бойбаччанинг бу ерга келишга юраги дов берармикин? — Бекзод ўзининг гапига ўзи нашъа қилиб қиқирлади.

— Агар у қуёнюрак бўлса, учрашувга розилик бермасди. Қани кутайлик-чи, кўрамиз-да.

Орадан ўн минутлар ўтиб, қизил «Нексия» йўлдан четлаб, уларнинг олдига келиб тўхтади.

— Ҳар қандай вазиятга шай туринглар, — деди Ҳамро амирона. Лекин вазият улар кутганчалик бўлмади. Машинадан бўйнига тилло занжир осган, бармоқларига узук таққан бир йигит тушиб келди. Шериги эса машинада қолди.

— Зўр жой топибсизлар, лекин. Ҳар қалай менга ёқди. Исмим Убай. Адашмасам сиз Ҳамро бўлсангиз керак.

— Агар Ҳамро бўлмасам-чи?

— Менга фарқи йўқ, менга гера керак.

— Нархига чидасанг бўлгани, қанча десанг, топиб берамиз.

— Хўш, нархи қанча экан?

— Килоси 5 минг «кўки»дан.

— А... «Абмен товар» қилсак бўлмайдими?

— Тушунмадим.

— Гап шундаки, ҳозир менда катта пул йўқ. Лекин янги «Мерседес» жипим бор. Хоҳласанглар, шунга алмаштиришим мумкин.

Кутилмаган таклиф уларни бироз ўйлантириб қўйди. Ҳар қалай бозорда янги «Мерседес» жип 50-60 минг доллардан кам турмаслигини яхши билишарди. Шунинг учун харидорни қочириб юбормай, бу таклифдан унумли фойдаланиб қолишга шошилишди.

— Ҳозир бизда ўн кило тайёри бор. Сифатига гарантия берамиз. Келишсак, ўшани алмаштиришимиз мумкин. Лекин жипни олдин бир кўришимиз керак. Бўладиганми-бўлмайдиганми?

— Унда мен сизларни Тошкентда кутаман. Керак бўлиб қолсам, манави номерга «звонит» қиларсизлар, — Убай шундай деб уларга телефон номери ёзилган қоғозни узатди. — Савдомиз пишса, товарни ўша ерда сизлардан оламан...

— Савдомиз пишса, албатта, — унинг гапини бўлди Ҳамро.

«Тошкентлик бойбачча»ни кузатиб қоларкан, Бекзод гап бошлади:

— Ўзиям жуда «шишка»ми дедим-да.

— «Хит» эмасмикин ишқилиб?

— Юришидан «хит»га ўхшамайди-ку?

— Ҳар эҳтимолга қарши эҳтиёт бўлиш керак...

Ҳамро бир муддат жим бўлиб қолди. Шефининг сукут сақлашидан кетишни ҳам, кетмасликни ҳам билмай қолган икки йигит жим туриб қолишди. Бироздан кейин Ҳамро Бекзодга қараб, режасини маълум қилди.

— Бекзод, Тошкентга охирги марта қачон боргандинг?

— Нима? — Бекзод Ҳамронинг гапига тушунмай довдиради.

— Жипни кўриб келишга Тошкентга сен борсанг қандай бўларкан? Агар машинада муаммо бўлмаса, бирданига ҳамма ишни битириб келаверардинг.

— Бу жуда қалтис иш, мен эплай олмасам керак.

Бекзоднинг жавобидан кейин Ҳамро унинг кўзига қаради. «Ҳа, ўзингни тарозига солаяпсанми? Ҳозир шундай гап айтайинки, рози бўлганингни билмай қоласан». Ҳамро шундай ўйлар билан яна Бекзодга мурожаат қилди.

— Хизмат ҳақингга минг «кўки»дан оласан.

— А?..

— Машина ёқса, менга хабар қиласан. Шундан кейин сенга товарни етказишади. Товарни уларга бериб, машинани стоянкага қўйиб келаверасан. Агар рози бўлсанг, бугундан ишга кириш. Рози бўлмасанг бошқасига...

— Тошкентда ўзимнинг ҳам ишим бор эди. Борсам, бориб келавераман. Пулни бегона қилиб нима қилдим.

Ҳамро бу жавобдан пул қандай қудратга эга эканлигига яна бир бор амин бўлиб, мийиғида кулиб қўйди. Ҳар қалай у ўз ниятига етганди. Фурсат ўтмай улар минган машина Тожикистон томон елдек учиб кетди.

* * *

**ЁТИБ** олиб телевизор кўраётган Карим эшик қўнғироғи чалинаётганини эшитиб, бироз сергакланди. Ошхонада куймаланиб юрган хотини ҳам у билан ўчакишгандай, ўзини эшитмаганга олгандек кўринди.

— Ҳов, кармисан? Эшикка қара!

Эрининг дағдағасидан чўчиган хотин эшикни очишга шошилди.

— Карим уйдами?

Эркак кишининг саволи Каримни ётган жойидан туришга мажбур қилди. Ҳали кимлигини билиб улгурмай хонага аввал хотини, унинг орқасидан ошнаси Бекзод кирди.

— Э, Бекзод, сенмисан? Кел, кел.

— Ҳа, бошқани кутаётганмидинг?

Икки ошна қучоқ очиб кўришаркан, Карим хотинига буюрди:

— Тез овқат-повқатга ҳаракатингни қил.

— Оқатни кейин ҳам ейберамиз. Ҳозир тез Тошкентга ўтишимиз керак.

— Ҳа, тинчликми?

— Бир зўр иш чиқиб қолди.

Зўр ишнинг қандайлигини яхши биладиган Карим ҳаммасига тушунганди. Шунинг учун бошқа суриштириб ўтирмади. Орадан кўп вақт ўтмай Тошкентга йўл олишди.

Одатда наркобизнес билан шуғулланадиганларнинг ҳамма жойда ишончли кишилари, вақтинчалик турар жойлари бўлади. Бекзод ҳам бу қоидани яхши ўзлаштирган эди. Карим унинг Ўзбекистондаги ишончли одами бўлса, вақтинчалик турар жой сифатида у Тошкентдан ижарага уй олиб қўйганди. Шунинг учун шаҳарга хоҳлаган пайти келиб-кета олар, ортиқча муаммога дуч келмасди.

Шаҳарнинг Ҳамза туманидаги ижарага олинган квартирага етиб келишганда, аллақачон қоронғи тушиб қолган эди. Шундай бўлса-да, Бекзод топшириқни ҳаяллатмай бажаришга киришди. Аввал Убай берган номер бўйича телефон рақамларини териб, гўшакка қулоқ тутди. Ишқилиб уйида бўлсинда...

— Алло, Убайни мумкинми?.. Ҳа, Убай, ўзингмисан? Мени Ҳамро юборувди. Тойчоқни кўргани келгандик... Ҳа, ҳа, демак, «Роҳат» бозорининг олдида. Келишдик.

Бекзод гўшакни қўйиб, Каримга деди:

— Кетдик, улар «Роҳат» бозорида бўларкан.

Убай кутиб турган жойни топиш унчалик қийин бўлмади. Чунки стоянкадаги машиналар орасида қоп-қора «Мерседес» жип кўзга ташланиб турарди. Машинани кўздан кечирган Бекзод у ўзига ёққанлигини билдириб, Убайга деди:

— Товар кечқурун келади. Ўзим хабар қиламан. «Крестик» бекатида учрашамиз.

Бекзод билан Карим яна квартирага қайтишди. Ҳамрога хабар қилиб, машинада муаммо йўқлигини билдиришди. Ўз навбатида Ҳамро ҳам кечаси товар етиб боришини айтди. Орадан икки соатлар ўтиб, тунги соат бирларга яқин телефон жиринглаб қолди.

— Алло, ҳа-ҳа. Ҳозир етиб борамиз,— Бекзод гўшакни қўйиб Каримга мурожаат қилди.— Товарни олиб келибди. «Роҳат»да кутаётганмиш.

* * *

Баҳор тонги. Ҳамма ишга отланаётган бир пайтда подъезддан уч киши кириб келди. Улар иккинчи қаватга кўтарилиб, 67-квартирага киришди.

— Карим, пичоқ олиб кел, — деди Бекзод. Ўзи эса балконга ўтиб, сўрининг тагидан салафан пакетни олиб чиқди. Карим олиб чиққан пичоқ билан пакетнинг оғзига ёпиштирилган скойчларни кесиб, ичидаги халтачаларни бирма-бир олиб қўя бошлади. Уларнинг ҳаммасида араб ёзуви ва 777 рақами кўзга ташланиб турарди. Халтачалар ўнта бўлгач, пакетнинг оғзини ёпди.

— Ҳаммаси роппа-роса бир килодан. Сифатига гарантия берамиз,— Бекзод шундай деб халтачаларни Убайнинг олдига суриб қўйди. У эса уларни бошқа пакетга солди.

— Агар керак бўлса, яна топиб беришимиз мумкин.

— Йўқ, ҳозирча менга шуёғи етади.

Улар кўчага чиқишганда атроф жим-жит эди. Худди сув қуйгандек. Убай машинага яқинлашиб, эшикни очганди ҳамки... Бекзод ва Карим ҳам қочишга улгурмади. Махсус гуруҳ уларни қўлга олиб, гувоҳлар иштирокида квартира кўздан кечирганда яна олти килограмм 777-пробага мансуб героинни топишди.

* * *

Эшик қўнғироғи жиринглади. «Эрталабдан ким бўлиши мумкин? Ишқилиб тинчлик бўлсин-да». Шу ўйлар билан эшикни очган Убайдулло остонада ўртоғи Алишерни кўриб, суюниб кетди.

— Алишер! Қайси шамол учирди?

— Сенинг шамолинг-да, Убай...

Икки дўст бел сиқишиб кўришди.

— Капитан бўлибсан, табриклайман. Қачон нишонлаймиз буни?

— Мана, ҳозир нишонлаймиз-да. Қани, кир-чи.

Икки дўст ҳазил-ҳузул билан ичкарига киришди...

**Фозил МАМАШАРИПОВ,**
**«HUQUQ» мухбири.**
**Музаффар ХЎЖАЕВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори**






## ФОЖЕА САБАБЧИЛАРИ

Саудия Арабистони пойтахтида шу йил 12 май куни содир этилган террорчилик ҳаракатларига алоқадорликда гумон қилиниб беш киши ҳибсга олинди. Уларнинг тўрталаси яқинда полиция ўтказган операцияда қўлга тушган.

Мамлакат ички ишлар вазири, шаҳзода Наефнинг сўзларига кўра, улар терактни уюштирган гуруҳга мансубдирлар. Бироқ унда нима ишни бажарганликлари ҳозирча номаълум.

Бешинчи гумондор илгарироқ ушланган эди. Айнан у терактни тайёрлаш ва амалга оширишда муҳим рол ўйнаган деб тахмин қилинмоқда. Вазир ҳибсга олинганларнинг исмлари ва қайси мамлакат фуқароси эканликлари тўғрисида гапирмаган.

Ар-Риёдда содир этилган портлашлар туфайли 35 киши ҳалок бўлган эди. Юқоридагиларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда ушбу фожеага алоқадорликда гумон қилиниб 30 га яқин киши қамоққа олинган.

## ХАВФЛИ ЮК

**Таиланд полицияси Америка божхона агентларининг хабарига асосланиб, жума куни Бангкокдаги меҳмонхоналардан бирига қарашли автостоянкада таиландлик 47 ёшли Наронг Пенанамни ҳибсга олиб, унга тегишли 30 кг цезий-137 радиоактив моддасини мусодара қилди. Полиция вакилининг сўзларига кўра, Пенанам ушбу радиоактив моддани бу ерга қўшни Лаосдан олиб келганлигини тан олган. Шунга қарамай полиция юк Россиядан олиб келинган бўлиши мумкин деб тахмин қилмоқда.**




**Таиланд полициясининг юқори мартабали вакили Сомбат Аморнвиват радиоактив моддалар террорчиларнинг қўлига тушиб қолганида ўта хавфли қуролга айланиши мумкин эди дея хавотир билдирган. «Биздаги маълумотларга кўра, террорчилар Таиланддаги хорижий давлатлар элчихоналарига ҳужум уюштиришга тайёрланишган», — деган Аморнвиват. Аммо у цезийнинг келиб чиқиши тўғрисидаги маълумот қаердан олинганлиги ҳақида аниқ гап айтмаган.**

**Одатда жиноятчилар радиоактив моддалардан ҳарбий тилда «ифлос бомба» деб аталувчи бомба тайёрлашда фойдаланишади. Унда оддий портловчи моддалар ўрнига радиоактив моддалар жойлаштирилган бўлиб, у портлаганда каттагина ҳудуд радиоактив нурланиш майдонига айланиб қолади.**

## «ҒОЛИБ»ДАН 50 МИНГ ЕВРО...

Ўтказилаётган ҳар хил кўрик-танловларнинг ҳаққонийлигига шубҳа билан қаровчилар ҳар жойда, ҳар қачон топилади.

Шу кунларда Италиянинг Сан-Ремо шаҳридаги машҳур қўшиқ фестивали шундай можаро гирдобида қолди. Сан-Ремо ва бошқа кўплаб шаҳарларда юзлаб тинтувлар ўтказилиб, уч киши ҳибсга олинди. La Repubblica газетасининг ёзишича, бу ерда гап номзодлар Сан-Ремо фестивалида иштирок этиш учун берган пора хусусида кетмоқда. Ушбу тадбирни Италия Молия гвардияси бўлинмалари ўтказган бўлиб, бу мамлакат прокуратураси ўтказаётган терговнинг якунловчи босқичи ҳисобланади. Тергов Қўшиқ академияси номли танловдаги фирибгарликларга бағишланган. Танловда дастлабки тўрт ўринни эгаллаган шахслар Сан-Ремодаги фестивалда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишади. Маълум бўлишича, айрим номзодлар ғолиб бўлиш учун танлов ташкилотчиларига 50 минг евродан «ўтказиб қўйишган» экан.

Ҳибсга олинганларнинг бири Қўшиқ академияси танлови ташкилотчилари раҳбари Анжело Эспоито ва яна бири унинг хотинидир. Уларга, асосан, порахўрлик ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш айби қўйилаяпти.

«Пиноккио» деб ном олган ушбу операция тергов ҳаракатлари бошланганидан бир йил ўтгач ўтказилган. Терговчиларни шунингдек, танлов билан боғлиқ бошқа бир қанча саволлар ҳам қизиқтирмоқда.

## АКСИНЧА, ЖАНОБЛАР!

Кисловодск шаҳар прокуратураси Россия Жазо кодексининг 213-моддаси 3-қисми билан уч кишига нисбатан айб эълон қилди. Улардан бири Чеченистон маъмурияти бошлиғи вазифасини бажарувчи Аҳмад Қодировнинг ўғли Зелимхон Қодировдир. Мазкур моддага кўра, қурол қўллаган ҳолда безорилик содир этганлиги учун айбланувчилар 4 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум этилишлари мумкин. Номи зикр этилишини истамаган прокуратура вакилининг сўзларига қараганда, тергов манфаатларини кўзлаб ҳозирча ҳодиса тафсилотлари ошкор қилинмаяпти.

Сешанба куни Россия Федерал хавфсизлик хизмати Ставрополь ўлкаси бошқармаси бошлиғи, генерал- майор Олег Дуканов Кисловодскдаги жанжалда З.Қодиров иштирок этмаганлиги тўғрисида баёнот билан чиқди. Унинг сўзларига кўра, аксинча, З.Қодиров қўриқчилари билан жанжални бостириб, урушқоқларни ажратиб қўйган экан. Таъкидлаш жоизки, З.Қодиров ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими ҳисобланади.

JINOYAT VA JAZO

# ЖОН ОЛҒУВЧИ АЁЛ

**Одатда ҳусну латофатда жозибадор, очиқ чеҳраси кўзларни қувонтирувчи ҳурилиқо аёлга нигоҳи тушган кишилар табиат мўъжизасига таҳсинлар ўқиши табиий. Шунда шайдойи диллар қатида беихтиёр «Жон олғувчи аёл экан» деган фикр келса не ажаб?**

Асли Украина Республикаси Полтава вилояти Коблякски туманида туғилган Светлана Лебедь ҳам латофатда ана шундай жозибадор «жон олғувчи» аёллардан. Бироқ унинг жон олиш услуби бошқаларникидан тамоман ўзгача...

Ёшлигида икки марта суд ҳукми билан «ахлоқини тузатган» ҳурилиқо бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб ололмади. Қайтанга онгли равишда жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда мудҳиш жиноятга қўл урди.

Светлана кейинги йилларда Самарқанд шаҳри Сартепа массиви 13-уй 13-хонада никоҳсиз бўлсада Вячеслав Соколов билан эр-хотин бўлиб яшаб келарди. Вақт ўтиши билан эрини ёқтирмай қолади. Бунинг устига уйга ёлғиз ўзи эгалик қилиш нияти ҳам унга тинчлик бермасдан келарди. Аёл кўнглидаги оғир бу юкни узоқ кўтариб юришга тоқат қилолмади. Охири шу йилнинг 23 февраль куни таниши Мўйинбой Камоловнинг ёнига бориб, маддалаётган юрак дардларини очди.

Сўнгра ундан эрини ўлдиришга одам топиб беришни илтимос қилиб, бу хизматлари эвазига 50000 сўм миқдорида пул беришини билдиради.

Мўйинбой таклифга рози бўлди. «Аммо, мени алдашга хомтама бўлиб ўтирма! Ишонч ҳосил қилишим учун тинчигач, эримнинг эгнидаги таниш труси бўлагидан намуна, ҳарбий гувоҳнома ва ён дафтарчасини исбот сифатида менга тутқазасан» дейди аёл кўзларини чақнатиб. М.Камолов унинг шартларига кўнади. Ахир йўқ жойдан келиб турган эллик минг қоринни оғритармиди.

Йигит шаҳд билан йўлда бораркан, миясида турли фикрлар мавжура бошлади. Муюлишни босиб ўтгач, машиналар серқатнов бўлган кўча ортидаги вилоят ИИБнинг кўркам биносига кўзи тушди; жойида тўхтаб қолди. Хаёлидан эса



мудҳиш ишнинг оқибати кеча бошлаган эди...

Светлана кутган қувончли дамлар шамоли 2003 йил 1 март куни эсгандек бўлди. Унинг уйига ташриф буюрган М.Камолов ўзаро келишувга асосан аёлга В.Соколовга тегишли ҳарбий билет, ён дафтарча ва труси бўлагини газетага ўроғлиқ ҳолда тутқазаркан, энди унинг номи тамоман ўчганлигини маълум қилди. Бунга ишонч ҳосил қилгач, нозанин пулнинг ярмини бериб, қолган қисмини яқин орада етказишини севинч билан маълум қилади. Лекин, севинчи узоққа чўзилмади. Хонага кириб келган тезкор гуруҳ ходимлари аёлнинг орзулари хомхаёл эканлигини айтиб, унинг нозик билакларига кишан уришди.

Ана шунақа, бировга чуқур қазисанг, ўзинг йиқиласан деганларидек, жон олувчи аёлнинг армонлари ичида кетадиган бўлди. Ўзига белгиланган етти йиллик тутқунлик давомида зора у жон олиш фақат яратганга тегишли эканлигини тушуниб қолса.

**Ҳамиджон ЖЎРАЕВ,**
**Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи**

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

Ta`sischilar:
O`zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi, Toshkent shahar va Toshkent viloyati prokuraturalari, «Qonun himoyasida» jurnali

**Bosh muharrir:**
**Abduxoliq ABDURAZZOQOV**

**Tahrir hay`ati:**
Bahriddin Valiyev,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o`rinbosari),
Jahongir Sharofboyev
(mas`ul kotib),
Lola Shomurodova,
Hasan Inoyatov,
Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot qo`mitasida №00150 raqam bilan ro`yxatga olingan.
Nashr ko`rsatkichi - 231, 232.

**Manzil:** Toshkent shahri, akademik Yahyo G`ulomov ko`chasi, 66-uy.
**Telefon:** 133-82-34.
**Reklama va e'lonlar:** 133-82-34
**E-mail:** Info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo`lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin.
Nashrimizdan ko`chirib bosilganda «Huquq»dan olinganligi ko`rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida ofset usulida A-3 formatda chop etildi.
Korxona manzili:
*Toshkent shahri,*
*Buyuk Turon ko`chasi, 41.*

Buyurtma Г - 516
Nusxasi — 13623

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi

**Navbatchi muharrir:**
**H. NISHONOV**

Sotuvda erkin narxda

**1 2 3 4 5 6 7 8**

Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00
Bosmaxonaga topshirildi 18.00

